



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 1-iyul, seshanba,  
75 (24.101)-son

O'zbek xalq  
maqoli

Birlik  
bor -  
tiriklik bor

1913-yil aprel oyidan chiqib boshlagan



www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews\_uz https://twitter.com/zarnews\_uz

# OMONQO'TON



Urgut tumanidagi Omonqo'ton mahallasiga "turizm qishlog'i" sertifikati topshirildi. Shu munosabat bilan o'tkazilgan tadbirida viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboyev turizm qo'mitasi raisi o'rinbosari Sardor Niyozov hamda qishloq aholisi ishtirok etdi.

## "TURIZM QISHLOG'I" bo'ldi

Viloyat rahbari Samarqand va Qashqadaryo viloyatlarini bog'lovchi Taxtiqoracha dovonida joylashgan bu maskanning baland tog'lari, xushmanzara tabiati, noyob o'simlik dunyosi, toza havosi va zilol suvlari kishini o'ziga jalb qilishi bilan ajralab turishini, hudud infratuzilmasi yanada yaxshilanishi va bu imkoniyatdan unumli foydalanib, sayyohlarni ko'proq jalb qilish kerakligini ta'kidladi. Shuningdek, turizm qishlog'ida yangi imkoniyatlardan foydalanishga qaratilgan taqdimotlar bilan tanishib, hududda aholi daromadini oshirishga qaratilgan loyihalarni amalga oshirish yuzasidan mas'ullarga topshiriqlar berdi.

- Mahallamiz hududi 8109 gektarni tashkil etadi, Qizilto'riq, Omonqo'ton va Konsoy qishloqlarida 3525 nafar aholi yashaydi, - deydi Omonqo'ton mahallasi raisi Abdug'ani Ochilov. - Hudud joylashuvi va imkoniyatidan kelib chiqib, turizmni rivojlantirish asosiy drayver sifatida belgilangan. Mahallamizda 30 dan ziyod dam olish maskani, 15 ga yaqin mavsumiy hordiq chiqaradigan joy, 50 ta xizmat ko'rsatish shoxobchasi mavjud. Hududimizdagi 20 gektar maydonda yirik turizm loyihasini amalga oshirish ishlari boshlandi. 3 ta mehmonxona, 5 ta restoran, sport maydonchalari, avtoturargoh, istirohat bog'lari, dam olish maskanlari qurilishiga kirishildi. Loyihalar 2026-yil yakuniga qadar foydalanishga topshirilishi va hududning 200 nafardan ziyod aholisi doimiy ishga ega bo'lishi rejalashtirilgan.

**F.RO'ZIBOYEV.**

## Mukofotlar muborak!

Prezidentimizning joriy yil 28-iyundagi "Yoshlar kuni munosabati bilan yurtimizning faol va tashabbuskor yosh avlod vakillaridan bir guruhini mukofotlash to'g'risida"gi farmoniga ko'ra, tengdoshlariga har tomonlama o'rnatib kelayotgan tashabbuskor va yetakchi yoshlar «Kelajak bunyodkori» medali bilan taqdirlandi. Ular orasida Samarqanddan quyidagi yoshlar bor:

**Qudratov Shoxruh Odil o'g'li** - Samarqand shahridagi «Polyglot school» mas'uliyati cheklangan jamiyati direktori.

**Salimova Mahbuba Xidirboy qizi** - Samarqand davlat universitetining 1-bosqich magistranti.

**Davlatimiz rahbarining joriy yil 28-iyundagi "Mard o'g'lon" davlat mukofoti bilan taqdirlash to'g'risida"gi qaroriga asosan, o'zining bilim va qobiliyati, intiluvchanligi, tashabbuskorligi va samarali mehnati bilan Vatanimiz taraqqiyotini yuksaltirishga katta hissa qo'shib kelayotgan fidoyi va mard o'g'lonlar «Mard o'g'lon» davlat mukofoti bilan taqdirlandi. Ular orasida viloyatimizdan quyidagilar bor:**

**Toshbekov Sanjar Isomiddin o'g'li** - «Ma'naviy hayot» jurnali musahhihi.

**Hakimov Feruz Xurshid o'g'li** - Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universitetining 1-bosqich magistranti.

## Urgutda havo sharida ham uchish mumkin

Tumanning Bahrin mahallasida ilk bor xalqaro havo sharlari festivali bo'lib o'tdi.

Festival ochilishida viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboyev so'zga chiqib, Urgut doimiy ekstremal turizm turlari o'tkaziladigan joyga aylantirishni, jumladan, yaqinda tumanning Andak mahallasi tog'larida xalqaro parapan festivali bo'lib

o'tgani hududda sayyohlikning yangi turlari rivojlanib borayotganini ta'kidladi.

Ikki kun davom etgan festivalda o'nga yaqin davlatdan 100 nafardan ziyod ishtirokchi qatnashdi.

Festival doirasida havo sharlari shoulari, turli musobaqalar, gastronomik ko'rgazmalar, konsertlar, milliy o'yinlar va qiziqarli chiqishlar namoyish etildi.



## Test sinovlari o'tkaziladigan binolar shay holatdami?

Viloyatda 2025-2026-o'quv yili qabuli uchun 72306 nafar abituriyent test sinovlarida qatnashishi tasdiqlandi. Test sinovlari uchun 6 ta bino, ya'ni bilim va malakalarni baholash agentligi viloyat bo'limi binosi, SamDU akademik litseyi sport zali, sportning o'yin turlari va yengil atletikaga ixtisoslashtirilgan bolalar va o'smirlar sport majmuasining 3 ta sport zali hamda O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti sport zallari tanlangan.

Ushbu sport majmualarida o'tgan yillarda ham test sinovlari tashkil etilgan bo'lib, bir smenada 124 guruhda 3720 nafar abituriyentga mo'ljallangan binolarning reja-chizmalari ishlab chiqilib, yetarli stol-stullar bilan ta'minlandi.

Barcha binolar 360 gradusga aylanuvchi videokuzatuv kameralari bilan jihozlandi.

Test sinovlari o'tkaziladigan hududda Bilim va malakalarni baholash agentligining bosh shtabi, tibbiyot punktlari uchun xonalar ajratildi.

Abituriyentlar yetarli miqdorda ichimlik suvi va ruchkalar bilan ta'minlanadi hamda ularning to'planish joylarida soyabonlar tashkil etiladi.



**Samariddin SUYUNOV,**  
bilim va malakalarni baholash agentligi viloyat bo'limi mutaxassisi.

## INDALLOSINI AYTGANDA...

Erkin A'zam,  
O'zbekiston xalq  
yozuvchisi:

- Mazmuni bor fikr, ruhi bor obraz, vaqti va makoni bor voqelik faqat his etadigan, anglyadigan kimsalar tomonidan yaratiladi.



## Холбой Қосимов "Олтин қалам" соҳиби

Булуғурлик фахрий журналист Холбой Қосимов "Олтин қалам" XIX Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг "Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ нашрлари)" йўналиши бўйича 2-ўрин соҳиби бўлди.

ҲАМКАСБИМИЗНИ  
УШБУ ЮТУҚ БИЛАН  
ТАБРИКЛАЙМИЗ!



## Yoshlar e'tibordan chetda emas

Viloyatimiz aholisining 1 million 112 ming 620 nafarini 14-30 yoshdagi yigit-qizlar tashkil etadi. Joriy yil boshida "Yoshlar balansi" shakllantirib, 16 ming 932 nafari "qizil", 326 ming 489 nafari "sariq" va 773 ming 815 nafari "yashil" toifada ekanligi aniqlangan.

Shu orqali 12 ming 316 nafar ishsiz yosh 501 nafar rahbarga birlashtirildi. Jumladan, respublika darajasidagi 2 nafar rahbarga 95 nafar, viloyat darajasidagi 64 nafar rahbarga 2 ming 105 nafar, tuman-shahar darajasidagi 435 nafar rahbarga 10 ming 116 nafar yosh birlashtirildi. Yilning o'tgan davrida rahbarlar tomonidan 12 mingga yaqin yigit-qizlar bilan uchrashuvlar tashkil etilib, 5691 nafarining bandligi ta'minlangan.

Alohida ishlash talab etiladigan, "otaliqqa" olingan 4616 nafar yoshning ro'yxati shakllantirilib, ularga huquq-tartibot hamda mudofaa organlarining mas'ul rahbarlari birlashtirildi. Mas'ullar tomonidan o'tkazilgan uchrashuvlar natijasida 145 nafar yoshning bandligi ta'minlandi.



2025-yil boshidan bugungi kunga qadar 3922 nafar yigit-qiz "Yoshlar daftari"ga kiritilib, 3453 nafariga turli yordamlar ko'rsatilgan. "Yoshlar daftari jamg'armasi"ga yil boshidan 22 milliard 132 million so'm mablag' shakllantirilgan bo'lib, 9 milliard 862 million so'm mablag' yoshlar-

ni qo'llab-ko'vatlash uchun sarflandi.

O'tgan 2024-yil davomida mahallada namunali faoliyat olib borgan 38 nafar yoshlar yetakchisi "TOP-100" reytingiga kiritilgan, 10 nafar yetakchi mahalliy kengash deputati etib saylandi. Joriy yil 1-choragida viloyat bo'yicha 10 nafar yoshlar yetakchisi "TOP-100" reytingiga kiritildi. 22 nafar yoshlar yetakchisi mahalla raisi lavozimiga saylangan.

Mahallalardagi yoshlar yetakchilarining eng muhim samaradorlik ko'rsatkichi (KPI)lari bo'yicha 1126 ta mahallaning yoshlar yetakchilaridan 1015 nafari yashil, 105 nafari sariq, 6 nafari qizil toifada.

Yoshlar kuni oldidan bir oy davomida turli tadbirlar, tanlov va musobaqalar o'tkazildi. "Yangi O'zbekiston - yoshlar mamlakati" shiori ostida o'tkazilgan festivallarda har bir hudud yoshlari faol ishtirok etdi.

**Sarvar BOBOYEV,**  
viloyat yoshlar ishlari boshqarmasi boshlig'i.

**Samarqand davlat xizmati, samarali va xalqchil davlat boshqaruvi bo'yicha global muloqot maydoniga aylandi. 23-25-iyun kunlari bu yerda ilk bor Birlashgan Millatlar Tashkiloti Davlat xizmati forumi (UN Public Service Forum 2025) yuqori darajada o'tkazildi.**

Forumda dunyoning 100 dan ortiq mamlakatidan kelgan 400 dan ziyod yuqori lavozimli davlat xizmatchilari, akademiklar, ekspertlar, shuningdek, fuqarolik jamiyati vakillari ishtirok etdi.

Xo'sh, forum uchun nega O'zbekiston tanlandi? Bugungi kunda yurtimizda davlat boshqaruvi va davlat xizmati tizimini isloh qilishga qaratilgan keng ko'lamli chora-tadbirlar, davlat xizmatini modernizatsiyalash, raqamli transformatsiyani amalga oshirish va xalqaro hamkorlikni kuchaytirish masalalarida islohotlar olib borilmoqda.

Yangi tahrirdagi Konstitutsiyamizning 37-moddasida O'zbekiston Respublikasining fuqarolari davlat xizmatiga kirishda teng huquqqa egaligi belgilab qo'yilgan. Keyingi yillarda Prezidentimiz tomonidan davlat boshqaruvi va davlat xizmati tizimini isloh qilishga qaratilgan bir qator farmon va qarorlar, 2022-yilda "Davlat fuqarolik xizmati to'g'risida"gi Qonun qabul qilindi.

Islohotlar jarayonida "Raqamli hukumat" idoralari integratsiya platformasi 49 ta davlat organining 390 dan ortiq veb-xizmatlarini amalga oshirmoqda, ularga har kuni 216 dan ortiq axborot tizimlari ulanmoqda. Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali (my.gov.uz) orqali fuqarolar va tadbirkorlik sub'ektlari 760 dan ortiq elektron xizmatlardan foydalanish imkoniyatiga ega bo'lib, ro'yxatdan o'tgan foydalanuvchilar soni 11

## Sifatli davlat xizmati inson va jamiyat ishonchi hamda taraqqiyotning asosiy mezon



milliondan oshdi. 208 ta Davlat xizmatlari markazi tarmog'i respublika bo'ylab fuqarolarga turli xizmatlardan foydalanish imkonini bermoqda.

2024-yilda O'zbekiston birinchi marta Elektron hukumatni rivojlantirish reytingining «juda yuqori» darajasiga ega mamlakatlar guruhiga kirdi va Gov-Tech yetuklik indeksida 37 pog'onaga ko'tarilib, «A» toifaga kirdi.

Mazkur forum arafasida, 19-iyun kuni Prezidentimiz "Davlat fuqarolik xizmatini yangi yondashuvlar asosida tashkil etish hamda professional va nati-

jadorlikka yo'naltirilgan davlat xizmatchilari korpusini shakllantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonni imzoladi va unda davlat fuqarolik xizmatini tashkil etishning asosiy yo'nalishlari, davlat xizmatida kadrlar tayyorlashning yaxlit tizimini joriy etish, sohani tubdan isloh qilish, davlat xizmatida korrupsiyaga qarshi kurashish va raqamlashtirish, davlat xizmatining imijini yaxshilash hamda davlat xizmatchilari uchun munosib shart-sharoitlar yaratish va tashkiliy chora-tadbirlar belgilab berildi.

Endi forumning ayrim tafsilotlari va xulosalariga e'tibor qaratsak.

Avvalo, forum davlat boshqaruvi endilikda raqamli, inkluziv, insonparvar va barqaror bo'lishi kerakligini global jamoatchilikka yana bir bor eslatdi. 2022–2024-yillar oralig'ida elektron hukumatni rivojlantirish borasida salmoqli natijalarga erishgan bir qator davlatlar BMT tomonidan taqdirlandi. Jumladan, mamlakatimizning "Elektron hukumat" sohasidagi yutuqlari e'tirof etildi va rag'batlantirildi.

Forum ishtirokchisi va davlat xizmatchisi sifatida shuni aytishim mumkin, mazkur tadbir xulosa va natijalari birinchidan, davlat xizmati va samarali davlat boshqaruviga oid yangi maqsad va marralar, imkoniyatlar ochib beradi.

Ikkinchidan, bildirilgan fikr va mulohazalardan kelib chiqib, samarali va xalqchil davlat mexanizmlarini joriy etish, xalq bilan muloqot, davlat xizmatini transformatsiyalash borasidagi islohotlar yanada

jadallashtiriladi.

Uchinchidan, davlat xizmatlarini «Mahalla - tu-man (shahar) - viloyat - respublika» tizimi orqali eng chekka hududlarga qamrab olish, xalqchil innovatsion va raqamli yechimlarni joriy etish, aholi uchun xizmat sifati va tezkorligini oshirishga doir usul va vositalarni ishlab chiqishga turtki beradi. Shuningdek, «Sifatli davlat xizmati — inson va jamiyat ishonchi ekanligi, inson va jamiyat ishonchi taraqqiyotning asosiy mezon» ekanligiga e'tibor qaratiladi.

To'rtinchidan, davlat boshqaruvida nomarkazlashtirishga e'tibor qaratish, davlat xizmatida insonga yo'naltirilgan boshqaruv tamoyilini tatbiq etish, davlat xizmatlarining har kimga, har joyda va har doim ochiq bo'lishi va'ni, «Mahalla - hokimlik», «Fuqaro - faol davlat xizmatchisi», «Rahbar - davlat xizmatchisi» va «Fuqaro - elektron hukumat» tamoyillari asosida quyi, o'rta va yuqori bo'g'in davlat xizmatchilari faoliyatini monitoring qilish va muvofiqlashtirish imkoniyatlari eshigini ochadi.

Oltinchidan, «Davlat xizmati - xususiy sektor — fuqarolik jamiyati institutlari» tamoyili asosida soha va tarmoqlarning xizmatlar integratsiyasi samaradorligini oshirish, ochiq va hisobdorlik mexanizmlarini joriy etishga sharoit yaratadi.

Yettinchidan, mamlakatimizda barcha soha va tarmoqlarda inkluzivlik, korporativ boshqaruv andozalarini tatbiq etish, iqtisodiyotni rivojlantirishning resurslarni tejaydigan va ekologik toza modeliga o'tish ko'nikmalarini rivojlantirishga xizmat qiladi.



**Behzod RAHMATULLAEV,**  
viloyat hokimligi  
tashkiliy-kadrlar guruhi  
rahbari.

## Yoshlar qanday tarbiyalansa, kelajak shunday shakllanadi

**30-iyun - Yoshlar kuni mamlakatimizdagi har bir yosh qalb egasi uchun e'tibor, e'tirof va ma'naviy quvonch kuni. Prezidentimizning tashabbusi bilan har yili aynan shu sanada yoshlarning orzu-umidlari, iqtidori va salohiyatini qo'llab-quvvatlashga qaratilgan keng ko'lamli islohotlar hayotga tatbiq etilmoqda.**



taraqqiyotning ildizi ilm va axloq, isloh va ma'rifatda. Zero, ilmi, idrokli, haqiqiy qadriyatlariga tayangan yoshlarga yurt kelajagini yorug' qilib, jamiyatga nur ulashadi.

Alloh taolo Qur'oni Karimda shunday deb marhamat qiladi: "Alloh sizlardan imon keltirganlar va ilm berilganlarni darajalarga ko'tarur" (Mujodala surasi, 11-oyat).

Haqiqiy imon egasi bo'lgan, ilm va hikmatga intiladigan, yurtiga xizmat qiluvchi yosh islomda ham, jamiyatda ham eng ulug' maqomga ega shaxs sanaladi.

Hozir yoshlarimiz orasida ilm egalash, xalqiga manfaatli bo'lish, ota-ona roziligini topish, islom axloqiga amal qilishga intilish kuchaymoqda. Bu esa xalqimizda diniy-ma'naviy yuksalishning, ayniqsa, yoshlarda mas'uliyat tuyg'usining ortganidan darak beradi.

Shu bois har bir imom-xatib, ustozlar va barcha sohadagi mas'ullarning yoshlarga e'tiborli bo'lishi, ularni tinglashi, yo'l ko'rsatishi, dini haqqoniy o'rgatishi zarur.

Yoshlarga rahnamolik qilish ham ulug' ibodatlardan biridir. Chunki bir yoshning to'g'ri yo'lini topishi — kelajakda butun bir oilaning, mahallaning, balki millatning foydasiga xizmat qiladi.

Imom Buxoriy, Imom Moturudiy, Mahdum A'zam kabi allomalar aynan yoshlik paytlarda ilm yo'lga kirib, butun islom olamiga ziyofa tarqatgan.

Shu ma'noda yoshlar biz uchun imtihon emas, balki imkoniyat. Dinimizda yoshlik qadri, xalqimizda esa yoshlarga nisbatan e'zoz va e'tibor azaldan katta bo'lgan. Ana shu qadriyatlarini, e'tiborni ilm, mehnat va xulq bilan oqlash yoshlarning burchidir.

Alloh taolo yurtimiz yoshlarini sof imon, to'g'ri e'tiqod, yaxshi amal va ilm bilan yuksaltirsin. Kelajagimiz ilmi, ibodatli, vatanparvar avlod qo'lida obod bo'lsin!

**Ahmadxon ALIMOV,**  
viloyat bosh imom-xatibi.

**Мутахассисларнинг фикрича, Ер сайёрасининг ёши қарийб тўрт ярим миллиард йилга тенг, унинг 29 фоиздан ортиқроғи қуруқлик, қолган қисми эса денгиз, океанларга тўғри келади. Ернинг ишлов бериладиган майдони 11 фоизни ташкил қилгани ҳолда инсоният учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг 88 фоизини етиштириб беради. Бироқ она заминимизда кечаётган зиддиятли жараёнлар ер тузилмасини тобора ўзгартириб юбормоқда.**

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида инсонларни тинчликка чақириш ва сайёрамизнинг гўзаллигини сақлаб қолишга ундаш мақсадида "тинчлик кўнғироғи" ҳам чалинган. Илк тинчлик кўнғироғи 1954 йилда БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳи олдиға ўрнатилган. Бу кўнғироқ ер юзидаги болалар томонидан тўпланган танга пуллар ва таниқли шахсларнинг ордени ва медалларидан ясалган. "Яшасин дунёдаги тинчлик" деган сўзлар ёзилган кўнғироқ 1996 йилдан бўён БМТнинг Венадаги қароргоҳига ҳам ўрнатилган.

1996 йилда худди шундай кўнғироқ Япония, Германия, Польша, Туркия, Мексика, Австралия, Монголия, Филиппин, Канада, Бразилия, Аргентина, Эквадорнинг йирик шаҳарларида қўйилган. Ўзбекистонда эса тинчлик кўнғироғи 2003 йил 21 апрелда Тошкент шаҳридаги Бобур номли хиёбонда ўрнатилган. Ушбу ёдгорлик одамларнинг тинчликка интилишининг тимсоли бўлиб, унинг жаранги халқларни бирдамликка, қуролли тўқнашувларни тўхташтишга чақиради. Шақланган аънамага кўра, бу кўнғироқ бир йилда уч марта - баҳорги тенг кунлик - 21 мартда, 22 апрель - ер кунда ва 21 сентябрь - тинчлик кунда чалинади. Дунёнинг 103 та мамлакатда шу тарзда кўнғироқ бонги одамларни ҳушёрликка даъват қилади.

Ҳатто қадимги римликлар ҳам сайёрамизни айнан шу маънода Теллус Матер деб айтган. Бу эса шубҳасиз, инсоният ва она замин бир-бири билан ўзвий боғлиқ, одамзот ва ер ажралмаслигининг ифодасидир. Айниқса, бутун цивилизация учун хатарларни юзага чиқараётган ҳозирги умумбашарий муаммолар шариоти (иклим ўзгаришлари, ўрмонларнинг қисқариши, чўлланиш, музликлар эриши, флора ва фаунанинг йўқ қилиниши ва бошқалар) да сайёрамизни асраш фоят муҳимдир.

Айни пайтда экология билан боғлиқ муаммолар ўткирлашиб, бир бутун экотизимлар йўқ бўлиши-ю, антропоген омилларнинг устун келиш ҳоллари жаҳон аҳлини ташвишга солмоқда. Ваҳоланки, сайёрамизда ҳар йили 10 миллион гектарлаб ўрмонзор кесиб юборилмоқда, ҳар бир соатда қамида 3 турда (3 та эмас, бутун бошли ҳайвон тури назарда тутиляпти!) ги ҳайвон зотлари, бир кунда эса 72 та тур ва йилига 100 минг турдаги жонзот йўқолиб бормоқда. Сайёрамиз аҳолисининг ортиб бориши ва табиий бойликларга антропоген таъсирнинг ортиши, экинзорларга нотўғри ишлов бериш ва чўлланиш оқибатида ҳар йили 25 миллион гектар ер саҳрога айланаётганлиги она-табиатга жиддий зарар етказаяпти.

Масалан, Ўзбекистонда 4,28 миллион гектар сўғориладиган экин майдони мавжуд ва унинг ярмидан кўпи эрозияга учраган, 2,5 миллион гектарга яқини эса турли даражада шўрланган.

## Қулоқ тутинг, тинчлик кўнғироғи!



Ортимизда бу борадаги ҳуқуқий пойдевор - Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳамда бошқа тегишли қонунлар ер ости ва ер усти бойликларини муҳофаза қилиш самардорлигини оширишда дастурламал бўлмоқда.

Мамлакатимизда ўтган асрнинг 90-йилларида аҳоли жон бошига ўртача 0,20 гектар сўғориладиган ер тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 0,15 гектарни ташкил этди. Таҳлилларга қараганда, 2030 йилга бориб, аҳоли сони ўсиши ҳисобига жон бошига 0,12 гектар сўғориладиган ер майдони тўғри келиши кутилмоқда. Бу ўз навбатида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ердан оқилона фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш ишларини янада жадаллаштириш вазифаларини кун тартибига қўймоқда.

Кейинги 60 йилда Орол денгизининг қуриган тубида 5,5 миллион гектар майдонда янги "Оролқум" чўли пайдо бўлди, шундан 3,3 миллион гектари Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Ушбу ҳудудда боҳилма-хиллик ва экотизим мувозанатини сақлаш жуда муҳим ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган кенг қамровли ишловлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда Орол денгизининг қуриб қолган қисмида экотизимни яхшилаш, тадқиқотлар ва инновацияларнинг ишлов тажрибаларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам ўзининг самарасини бermoқда.

Юзага келаётган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, иқлим ўзгариши ва деградацияга учраган ерларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш мақсадида "яшил макон" умум-миллий лойиҳаси доирасида Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш, денгизнинг қуриган тубида яшил қопламалар барпо этиш ва экотизимни яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда барпо этилган 2 миллион гектар янги дарахтзор ва ўсимлик майдонлари Оролбўйи минтақасида экологик фожианинг оқибатларини юмшатиш билан бирга мавжуд

ҳолатни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Орол денгизи минтақасига мослашган ўсимликларнинг саноат плантацияларини яратишда фойдаланиш учун Япониянинг Тоттори университети билан ҳамкорликда ёғочли дарахтларнинг тез ўсадин, жумладан, Жийда, Айлант, Канада толи ва Павлония каби турларини танлаб олиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Шўрланиш шароитида биодеқончилик халқаро марказининг (ИСБА) молиявий кўмағида Орол денгизининг қуриган тубидан 10 хилдан ортиқ тупроқ типларини бир жойга тўплаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадида лизиметрик тадқиқот майдончаси барпо этилди ва тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Халқаро ёввойи табиат фонди маълумотиға кўра, 1970-2016 йилларда сут эмизувчи, балиқ, қуш, судралиб юрвчи ва амфибиялар сони 68 фоизга қисқарган. Таҳлилларга кўра, ёввойи оламнинг олтинчи оммавий қирғини тезлашиб бормоқда. 500 дан ортиқ тур 20 йил ичида йўқ бўлиб кетиши мумкин. Агар инсоният табиат бузғунчилигида фаол бўлмаганда эди, бу қирғин мuddати келгунча минглаб йиллар керак бўлар эди.

Боз устига, иқлим ўзгариши, океан ва денгизлар сатҳининг кўтарилиши, аномал жазирама, озиқ-овқат хавфсизлиги ва танқислиги, қургўқчилик, қишлоқ хўжалиғидида муаммолар шунчалик яқин ва доимий ҳамроҳимизга айландики, буларни тезда ўтиб кетадигандек қабул қилишга одатландик.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, келажак авлода табиий бойликларни етказиш, экологик муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшиш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Унда халқимизнинг фаровон ҳаёти, ризқ-рўзи манбаи ва мамлакатимиз иқтисодий ривожининг таянчи бўлган ерни асраб-авайлаш, уни турли салбий таъсирлардан муҳофаза қилиш шу оламда яшаётган бар бир фуқаронинг нафақат конституциявий, балки келажак авлод олдидаги муқаддас бурчидир.

**Хидирали БОТИРОВ,**  
Эргаш ҚОБИЛОВ,  
Дилбар ЁРМАТОВА,  
Ш.Рашидов номдаги  
СамДУ ўқитувчилари.

-- ЎТМИШ СОГИНЧИ --

Киши болалигини соғинади, яна бола бўлгиси келади. Вақт машинасига ўтириб, ўша беғубор кунларига саёхат қилгиси, болалигига қайтгиси бор. Умуман, ўтмишни соғиниш, уни идеаллаштириб тасаввур қилиш барча одамларга хос хусусият. Бунинг учун бировни айблаш ёки мазаҳ қилиш мутлақо ўринсиз. Аммо қўлида даҳшатли қуроли, қудратли армияси бўлган кимсалар ўтмишни соғиниб, қайтаришга интилса, оқибати аянчли бўлар экан. Буни бугунги Украинадаги қонли воқеалар мисолида кўриб турибмиз. Собиқ иттифокдош республикани мустақиллигидан маҳрум қилиб, яна марказ тасарруфига киритиш, кўнмаган тақдирда жазолаш мақсадида кетаётган жангу жадаллар мана, тўртинчи йилдириқ, кучайгандан кучайиб бормоқда. Давом этаётган муҳораба, албатта, бир кунмас бир кун тўхтайдими, бунга шак-шубҳа йўқ. Бироқ киши дилини хира қиладиган бошқа бир янги гап-сўзлар чиқиб қолмоқдаки, бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтмасак бўлмайди.

Яқинда Россия Федерацияси президентининг маслаҳатчиси Антон Кобяков юридик жиҳатдан СССР ҳали ҳам мавжуд эканлиги ҳақида сафсата тарқатди. Бир пайтлар яна бир империалист сиёсий арбоб 1991 йил 17 март кунини бўлиб ўтган умумхалқ референдуми натижалари асосида собиқ иттифокдош республикаларнинг тарқалиб кетиши юридик кучга эга эмаслиги тўғрисида илҳом қилганди. Ушунда биз матбуотда чиқишлар қилиб, тоталитар тузумларда одамларнинг ўз фикрини эркин изҳор этиш имконияти бўлмаганлиги ва айнан шу боис собиқ иттифокда ўтказилган сайлов ва референдумларнинг бирортасини ҳам ҳақиқий деб бўлмаслиги ҳақида ёзган эдик. Узингиз ўйлаб кўринг: Ўзбекистон ССР даврида халқимизнинг 90 фоиздан ортиги иттифокни сақлаб қолиш учун овоз берган экан. Мустақиллик эълон қилиниб, жумҳуриятимиз озодликка эришгач, ўша йил декабрда ўтказилган референдумда энди Ўзбекистон халқининг 90 фоиздан ошиги мустақиллигини ёқлаб чиқди. Энди соғлом фикр бўлган ўйлаб кўриلسа, киши ўз хоҳишини тутқунликда эркин билдирадими ёки озодликдами?! Ана шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, 17 мартда ўтказилган референдум натижаларининг асоси мутлақо заиф эканлиги очик аён бўлади.

Энди масалага бошқа томондан ёндашсак. Айтилик, Россияда 1917 йил октябрда содир этилган давлат тўғрисидаги юридик асоси борми? Бир гуруҳ қуролланган болшевиклар эндигина шаклланаётган демократик муваққат ҳукумат қўлидан ҳокимиятни қайси юридик асос билан тортиб олганди? Аммо тарих саҳифаларини varaқласак, СССРнинг тарқалиб кетиши мутлақо қонуний бўлганлиги гувох бўлаемиз. Масалан, собиқ "СССР Конституцияси"да ҳар бир республика истаган пайтида иттифокни тарқ этиш ҳуқуқи қайд этиб қўйилганди. Қолаверса, 1991 йил декабрда Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари Беловежская Пушчада тўпланиб, СССРни тарқатиб юбориш ва ўрнида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) таъсис этилганини эълон қилишди. Нега десангиз, 1922 йилда айнан ана шу республикалар ташаббускор бўлиб, собиқ СССР пойдеворига тамал тошини қўйган эди. Шундан сўнг янги иттифок кўп кунларни бошидан кечирди. Утган асрнинг 20-йилларида Фарбнинг кўмаги билан очарчилик балосидан қутулиб қолди. 30-йилларда яна АҚШ, Германия каби давлатлар ёрдамида саноатни оёққа қўйди. 40-йилларда АҚШ, Буюк Британия, Канада сингари мамлакатларнинг ҳарбий-иқтисодий кўмаги билан Иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонди. 50-йилларда яна иқтисодий-ижтимоий муаммолар исканжасида қолди. Ҳатто, 60-йилларга келиб, халқни шунчаки, нон билан таъминлашда ҳам катта муаммолар пайдо бўлди. Яхшиямки, 70-йилларга келиб, Волгабўйи ва Сибирда йирик нефть-газ қонлари топилиди. Ҳазинада пул кўпайиб, нисбатан фаровон, халқ орасида "Брежневнинг коммунизм даври" дея номланган йиллар бошланди.

ОРЗУЛИ ДУНЁ

Нефть ва газ қонларининг очилиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожланиш босқичига кирган дунё иқтисодиёти учун айна мутдао бўлди. Натижада шўро давлати хазинасига нефтдолларлар ёмғирдек ёғила бошлади. Брежнев ҳукумати улардан кичик бир улушини халққа берган бўлса-да, даромаднинг асосий қисми ҳарбий харажатларга йўналтирилди. Шу асосда дунёдаги энг қудратли армиялардан бири вужудга келди. Бундан руҳланган шўро арбоблари ўтган асрнинг 80-йиллари бошида "байналмилал ёрдан" деган баҳона билан Афғонистонга қўшин киритди. Бирор бир ижобий натижа бермаган ушбу ҳарбий харажатлар 1989 йилда тўхтатилди. Аммо унинг оқибатлари собиқ иттифок учун ғоят ачинарли бўлди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, афғон уруши эллик миллиард доллардан кўпроқ маблағни елга совуриб, 15 мингдан ортиқ шўро аскар ва офицерларнинг ҳаётига зомин бўлди. 80-йиллар охирида жаҳон бозоридан нефть нархининг тушиб кетиши вазиятни яна оғирлаштирди. Оқибат шу бўлдики, иқтисодий инқироз гирдобига тушиб қолган мамлакат сиёсий таназзул томон йўл олди. Путин ибораси билан айтганда: "XX асрнинг энг буюк геосиёсий ҳалокати" юз берди, яъни СССР парчаланиб кетди. Россия президентининг ана шу баҳоси XXI асрдаги бўлажак воқеаларга ўзига хос дастур бўлди. Иттифок-



нинг тарқалиб кетиши дастлаб рус зиёлилари томонидан ижобий қабул қилинган бўлса-да, Россияда бошланган демократик ислохотлар натижа бермаганлигини кўриб, уларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Коммунистик идеологиядан ҳалос бўлган омма онгида демократия салбий тушунча сифатида шакллана бошлади. Аста-секин демократик ислохотларга чек қўйилиб, шовинистик миллатчилик мафқураси кириб келди. Тор доираларда айтиладиган бузғунчи фикрлар кенг тарғиб этилди. Ҳозир ирқчилик ва миллатчилик руҳи билан сўғорилган ўнг реакцион ғоялар баланд минбарлардан ҳам баралла айтиломоқда. Улар ўтмишда айрим давлатлар ва ҳатто, миллатлар бўлмаганлиги ҳақидаги ивго гапларни тарқатиб, турли миллий-этниқ зиддиятларни юзага келтирмоқда. Айтиш мумкинки, кўпорувчилик мақсадини кўзлаган ушбу мафкура охири-оқибат буюк давлатчи шовинистларнинг ўзига катта муаммоларни пайдо қилиши мумкин.

Тарихдан яхши маълум, миллатчилик илллати билан касалланган жамиятлар узоққа бормайди. Бундай давлатлар ҳар қанча қудратли бўлмасин, охири-оқибат ҳалокатга маҳқумдир. Аксинча, миллат-элатлари аҳил, дўстлик-бирдамликка яшаб, бир ёқадан бош чиқараётган мамлакатлар кундан кунга ўсиб, ривожланиб бормоқда. "Бранд Финанс 2025" халқаро таҳлил маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларини ўқиб, тўғриси, кўнглимда гуруҳ ҳиссини туйдим. Унда қайд этилишича, дунёдаги 200 та давлат орасида Ўзбекистон фахрли учталикка кирган. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг ўсиш суръатлари ва бренди 26 фоизга ўсган. Бу эса дунёдаги юқори кўрсаткичлардан бири сифатида қайд этилди. Мамлакатимиз эришаётган ютуқлар юртимиздаги ислохотларга, иқтисодий ўсишга, инсон салохиятига берилган ҳолис баҳо, биргаликда қилинаётган саъй-ҳаракатларини эътирофидир. Қолаверса, мен буни юртимиздаги барча миллат-элатларнинг аҳил-иноқлиги ва дўстлиги самараси, деб биламан.

Халқимизда "Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади", деган доно нақл бор. Шу маънода жаҳоннинг қайси чеккасига назар солсангиз, қаерда тинчлик бўлса, ўша ерларда халқ тўкин-фаровон ҳаёт кечираётганини кўрасиз. Аксинча, уруш-тўполонлар содир бўлаётган жойларда янги-янги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўлмоқда. Яқин-яқингача бутун дунё Америкага ҳавас билан қарар, ҳамма бу сеҳрли дийерга интилари. Бугун ана шу маҳобатли мамлакатда ҳам турли зиддиятлар пайдо бўлиб, мамлакат ривожини деярли тўхташиб қўйди. Сабаби, у ерда ҳам бир вақтлар мавжуд бўлган, аммо кейинчалик барҳам берилган ирқ ва миллат ажратиш таомили яна бош кўтармоқда. Бу ҳолат, айниқса, жаҳондаги умумий нотинчлик фониди вужудга келган муҳожирлар оқимининг кучайиши билан биргаликда юзага келмоқда.

МУҲОЖИР МУҲОЖИРГА ҚАРШИ

Трамп маъмуриятининг иммиграция сиёсати га қарши Калифорния штатида бошланган норозилик намойишлари Техасга ва кейинчалик Американинг бошқа шаҳарларига ҳам кенг ёйилди. Норозилик чиқишларидан хавотирга тушган АҚШ президенти Дональд Трамп намойишларни бостириш учун миллий гвардия ва денгиз пидедаларини Лос-Анжелесга юборишга буйруқ берди. Бу эса норозиликларнинг янада авж олишига сабаб бўлди. Қизиги, Трамнинг ота-бобоси ҳам бир пайтлар Америкага ночор муҳожир бўлиб борган. Америка воқелигининг яна бир хусусияти - у ерга муҳожир бўлиб борганлар то оёққа туриб олгунича демократ бўлади. Пуллари кўпайиб, обрў-эътибор қозониб олгач, бир юмалаб республикачига айланади. Дональд Трамп ҳам бир пайтлар демократик партия фаолларидан бири бўлган. У ҳам қийинчилик погоналаридан ўтиб олиб, катта бой бўлгач, демократик қарашларидан воз кечиб, республикачилар партиясининг йирик арбобларидан бирига айланди ва

бу унга катта сиёсат сари йўл очиб берди. Аммо нима бўлганда ҳам, унинг сиёсатчи арбоб сифатида шаклланишида демократик партиянинг катта ҳиссаси бор. Энди у кунда бўлмаса-да, кун ора демократик фирқа ва унинг арбоблари, айниқса, собиқ президент Жозеф Байден устидан мағзава ағдаршидан эринмаяпти. Унинг гапи бўйича ҳаётда қанақа камчилик бўлса, ҳаммасига Байден айбдор, қанақа ютуқ бўлса, барисига ўзи сабабчи. Бу борада унга устози Владимир Путин чинакам раҳнамо бўлса, ажаб эмас. Трамп Путиннинг иш услубига, шон-шўхратига астойдил ҳавас қилади. Путиндек машҳур бўлгиси, у сингари узоқ-узоқ йиллар давр-даврон сургиси келади. Унга ўхшаб халқини кўрқитиб олишни, "гаҳ" деса қўлига қўнадиган бўлишини истайди. Аммо Америка жамияти озодлик таъмини татиб кўрган, қолаверса, дунёдаги зулм, адолатсизлик, йўқсиллик иллатларидан чора излаб, ўз юртини тарқ этган эрқарвар инсонлар ва уларнинг авлодларидир. Улардаги эркинлик ва ҳурфикрлик кўнжикмаларини йўқотиш учун бир вақтлар собиқ СССРда бўлганлиги, миллионлаб эрқарвар одамларни қириб йўқотиш лозим.

Яхшиямки, АҚШ президентларининг ҳукмдорлик муддати қатъий тўрт йил қилиб чегаралаб қўйилган. Бу эса авторитаризм ва тоталитаризм иллатларига қарши энг яхши иммунитетдир. Агар Трамп президентлик давомида худди Путинга ўхшаб, конституцияга ўзгартириш киритиб, сиёсий умрини узайтиришга эришса, ана унда иш жиддийлашиб, Американинг ер юзидида гегеомонлигига буткул барҳам берилади ва мамлакат кўпқатори оддий бир империяга айланиб қолади. Чунки АҚШ жамиятига ҳаётий қувват бериб турган нарса мамлакатда устувор бўлган демократик тизим ва қонун тамойилларидир. Бундан чекинган жамият эртами ёки кеч ҳалокат хавфи билан юзма-юз бўлади. Чунки одамлар йўқчиликка ҳам, қийинчиликка ҳам, қимматчиликка ҳам чидаб бериши мумкин. Аммо адолатсизликка чидалмайди. Айнан шу боис ҳам намойишлар, кўзголонлар, инқилоблар ҳали у ерда, ҳали бу ерда содир бўлиб туравереди. Ҳатто, фаровон ва доруламон мамлакатлар ҳам бундан мустасно эмас. Буни биз бугун Америка мисолида яққол кўриб турибмиз. Бугунги АҚШ алғов-далғов бўлиб ётган ҳаёт қозониға ўхшаб қолди. Президент Трамп чиқараётган телба-тесқари фармонлар оқибатида Америка жамиятида ва умуман, дунёда катта-кичик нохушлиқлар юзага келмоқда. Халқаро майдонда АҚШ яққаланиб қолди. Турли мамлакатлар билан орада жиддий зиддиятлар пайдо бўлди. Оқибатда дунёда Американинг нуфузи, Трамнинг обрўси ҳам пастлагандан пастлаб бормоқда. Сўнгги сўров натижаларига қараганда, июнь ойида унинг умумий рейтингини энг паст даражага: 34-36 фоизга тушиб қолган.

Айниқса, Илон Маск билан бўлиб ўтган можаро унинг ўрта синф вакиллари орасидаги обрўсига жиддий пугур етказди. Гарчанд, Маск кейинроқ ундан кечирим сўраган бўлса-да, кечки Трамп у билан ярашшини истамади. Оқибатда Илон Маск Американи тарқ этганлиги айтилмоқда. Айтилик, Хитой уни жон-жон деб, қучоқ очиб қутиб олади. Чунки Илон билими ва фикрий қуваати билан бутун дунёни қойил қолдирган инсон. Афсуски, Трамп ҳақида бундай деб бўлмайди. Яқинда бўлиб ўтган матбуот анжуманида у оддий географияни ва Калифорния штати сўғориш тизимини яхши билмаслигини фош этиб қўйди. Шу маънода, Дональд Трамп яхши бизнесмен ва шоумен бўлса-да, дунё илмларидан узоқ, ўртамиёна оддий бир бакалавр эканлиги аён бўлиб қолди. Америкадек буюк давлатни бошқариш учун эса жуда катта билим ва тажриба захираси зарур. Бунда аллақачон ўз умрини ўтаб, ўлиб бўлган, тарих ахлатхонасига улоқтирилган ярамақ қадриятларга суянаш баайни ўзи ўтирган шохни кесиш билан баробар.

Худойберди КОМИЛОВ,  
сиёсий шарҳловчи.



# Ilmga fidoyi umr sohibi

Hayot yo'lida har bir insonning yutug'i va yuksalish pillapoyasi bo'ladi. Kimdir mehnati bilan jamiyat taraqqiyotiga hissa qo'shadi, kimdir ilmiy izlanishlari, shogirdlari va o'zining namunali faoliyati bilan nom qoldiradi. Shu ulug'vor yo'lining yorqin namunasi Sattorov Ermamat Norqulovichdir.

Ermamat Sattorov 1965-yilda Qo'shrabot tumanining Jo'sh qishlog'ida tug'ildi. Bolaligidan mehnat-sevarligi va ilmga chanqoqligi bilan ajralib turardi. U Nurota tog'lari etagidagi jo'shqin hayot manzaralarida o'tkazgan bu yigit maktab davri-



dayoq bilim olishga intildi. 1982-yilda tumanidagi 56-umumiy o'rta ta'lim maktabini a'lo baholar bilan tamomladi. Shu yili Samarqand davlat universitetining mexanika-matematika fakultetiga talabalikka qabul qilindi.

1989-1992-yillarda Samarqand davlat universiteti aspiranturasida tahsil olgan holda ilmiy izlanishlarni boshladi. Shu davrdan boshlab ilmiy-pedagogik faoliyati davomida bir qator lavozimlarda samarali faoliyat yuritdi.

Dastlab universitetning matematik fizika kafedrasida assistent lavozimida ishladi. Shu bilan birga, Past Darg'o'm tumanidagi 56-umumta'lim maktabida matematika fani o'qituvchisi, maktab direktori vazifasida faoliyat olib bordi.

1997-2011-yillar mobaynida viloyat pedagogika, kasb-hunar ta'limi va qayta tayyorlash markazida kafedra mudiri bo'ldi. So'ngra ilmiy-pedagogik faoliyatini yana Samarqand davlat universitetida davom ettirdi. Universitetning funksiyalar nazariyasi va funksional analiz kafedrasida, matematik fizika va funksiyalar nazariyasi kafedrasida dotsenti sifatida faoliyat yuritdi.

2023-yildan O'zbekiston-Finlandiya pedagogika institutida kafedra mudiri va professor sifatida faoliyat yuritmoqda.

Ermamat Sattorov o'zining ko'p yillik ilmiy, pedagogik va rahbarlik faoliyati davomida ko'plab mutaxassislar tayyorladi. 1994-yilda "Chegarasi kompakt bo'lmagan cheksiz sohada subgarmonik funksiyalarning integral tasviri" mavzusida nomzodlik dissertatsi-

yasini, 2018-yilda esa "Birinchi tartibli elliptik tenglamalar sistemasi uchun Koshi masalasi" mavzusida doktrorlik dissertatsiyasini muvaffaqiyatli himoya qildi.

Domla SamDU huzuridagi ilmiy darajalar beruvchi ilmiy kengash a'zosi hisoblanadi. Olim faoliyati davomida 3 ta darslik, 5 ta o'quv qo'llanma, 18 ta uslubiy qo'llanma tayyorlab, respublika va xalqaro ilmiy jurnallarda 70 dan ortiq lavozimlarda samarali konferensiya materiallarida 236 ta maqola chop ettirdi. Shundan 13 ta maqola Scopus va Web of Csiense bazalariga kiritilgan ilmiy jurnallarda nashr etildi.

Ustoz talabchanligi va pedagogik mahorati uchun "O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi a'lochisi" ko'krak nis-honi bilan taqdirlandi. U o'z ishiga mas'uliyatli yondashuvi, halolligi va mehnatsevarligi bilan yosh avlodni ilmga oshno qilish, ularda mustahkam nazariy bilim va amaliy ko'nikmalarni shakllantirish yo'lida fidoyilik bilan mehnat qilib kelmoqda.

Besh nafar farzandning otasi va o'n uch nafar nabiraning mehribon bobosi bo'lgan Ermamat Sattorov bugungi kunda ham Vatanimiz ilm-fani taraqqiyotiga, ta'lim sohasini rivojlantirishga beqiyos hissa qo'shib kelmoqda. Ustozning kelgusi pedagogik faoliyatiga rivoj tilaymiz.

Abubakr ABDULLAEV, O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti dotsenti.

A'lamjon IBRAGIMOV, pedagogika fanlari doktori.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

DA'VOLAR BO'LSA...

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ortigboyev Aziz Azamatovich notarial idorasida marhum Sanakulov Annakulga (2025-yil 3-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ortigboyev Aziz Azamatovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 73-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Nishonova Umida Ismatillayevna notarial idorasida marhum Poshshokulov Xushmamat Musokulovichga (2014-yil 5-mayda vafot etgan) tegishli mol-

mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Nishonova Umida Ismatillayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Rudakiy ko'chasi, 132-uy, 2-xona.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Yusupova Dilsura Hasanovna notarial idorasida marhum Djumayev Sobirga (2015-yil 15-sentabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Yusupova Dilsura Hasanovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Aliyeva Lola Zoirovna notarial idorasida marhum Dushkina Lyudmila Ivanovna (2020-yil 15-mayda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Aliyeva Lola Zoirovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Amir Temur ko'chasi, 158-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius G'afarov Ulug'bek Rahimjonovich notarial idorasida marhum Baymurodov Ergash Salahovichga (2021-yil 29-martda vafot etgan) tegishli

mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning G'afarov Ulug'bek Rahimjonovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Buyuk Ipak yo'li ko'chasi, 18-uy, 14-xona.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasida marhum Yaxyayeva Xabibaoyga (2022-yil 17-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Nodirabegim ko'chasi, 5/1-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Yusupova Iroda Rustamovna notarial idorasida marhum Mixaylov Aleksandr Nikolayevichga (2016-yil 5-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Yusupova Iroda Rustamovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Bog'dod ko'chasi, 1-uy, 3-xona.

BEKOR QILINADI  
Payariq tumanidagi "SHUX AZIM SOY BOG'LARI" fermer xo'jaligining (STIR: 306345301) dumaloq muhri va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.



## Registrator ofisida 60 dan ziyod xizmatlar ko'rsatilmoqda

Axborot texnologiyalari rivojlangan davrda barcha sohalar qatori ta'lim tizimini ham raqamlashtirish dolzarb masalaga aylandi. Masalan, "Raqamli O'zbekiston-2030" strategiyasi doirasida davlat sektoriga kiruvchi xizmatlarning onlayn tarzda ko'rsatilayotgani fuqarolarga yengillik yaratmoqda. Xuddi shu qulaylik O'zbekiston-Finlandiya pedagogika institutida faoliyatini boshlagan Registrator ofisida ham mavjud.

### REGISTRATOR OFISI TARIXIGA NAZAR

Registrator faoliyatining ilk ko'rishlari XII asrda namoyon bo'la boshlagan. 1446-yilda registrator (registrar) atamasi birinchi marta ishlatilgan. XIX asrga kelib, u oliy ta'lim muassasalarida standart holatda qo'llanilgan. Ilk bor Garvard universitetida qo'llanilgan. 1869-yilga kelib, universitetga o'sha davrning eng ilg'or fikrovchilaridan bo'lgan Charles Elliot prezident etib saylanadi. Ko'p o'tmay u universitetdagi qat'iy belgilab qo'yilgan o'quv dasturlarini bekor qildi. Endilikda Garvardda talabalar o'quv dasturida taklif qilinadigan fanlar orasidan o'zlarini xohlagan, qiziqqanlarini tanlab o'rganish imkoniyatiga ega.

Amerikada oliy o'quv yurtlari va talabalar sonining keskin oshishi o'z-o'zidan o'quv jarayonini boshqarish va ma'lumotini yuritish uchun yangi tizimga ehtiyoj tug'ildi. Talabalarga beriladigan hujjatlar (diplomlar, transkriptlar va boshqalar) soni ko'paydi. Shu sababli Garvard universiteti bu muammolarni yechish uchun alohida bir bo'limni tashkil qilishga qaror qildi. Ushbu bo'lim talabalarni ro'yxatga olish, ularning akademik yutuqlarini kuzatib borish va rasmiy hujjatlarini berish kabi vazifalarni zimmasiga oldi. Keyinchalik bu bo'lim "Registrar's Office" (Registrator Ofisi) deb nomlangan boshlandi. 1930-yillarda AQShning har bir kolleji va universitetida registrator lavozimi bo'lgan.

Bugun Registrator ofisi ko'plab rivojlangan davlatlardagi oliy-o'hihlarda, jumladan, AQSH, Kanada, Yevropa va Osiyo mamlakatlarida keng tarqalgan.

### REGISTRATOR OFISI FAOLIYATI VA YO'NALISHLARI

Joriy yilning mart oyidan boshlab O'zbekiston-Finlandiya pedagogika institutida Registrator ofisi faoliyati yo'lga qo'yildi.

Instituting bosh binosida joylashgan, ofis tomonidan 60 dan ziyod xizmatlar onlayn va oflayn tarzda ko'rsatilyapti. Talabalar, ularning ota-onalari, professor-o'qituvchilar hamda fuqarolar oliy ta'limdagi jarayonlar bilan bog'liq murojaatlariga Registrator ofisidan javob olishlari mumkin.

Ofis xizmat ko'rsatish va ma'lumotlar bazasi bo'limlaridan iborat. Xizmat ko'rsatish bo'limi talabalik guvohnomasi, o'quv varaqasi,

o'qish joyidan ma'lumotnoma, akademik ma'lumotnoma, dars jadvali, davomat va o'zlashtirishga oid ma'lumotlar, to'lov-kontrakt shartnomalari, talabalar turar joylariga ariza berish hamda aylanma varaqalarni berish kabi 35 turdagi hujjatni raqamlashtirilgan tarzda murojaatchilarga yetkazadi.

Bu bo'lim orqali oliy ta'lim darogohiga hujjat topshirishdan tortib to bitirish jarayoniga qadar sodir bo'ladigan barcha amaliyot haqida ma'lumot olish va xizmatlardan foydalanish mumkin. Buning uchun ijtimoiy tarmoqlarda maxsus bot tashkil etilgan. Natijada boshqa korpuslarda o'qiydigan talabalar yoki ularning ota-onalari ofisga kelib o'tirmasdan, bot orqali savollari yo'llashadi va unga qisqa vaqtda javob olishadi. Buning uchun 12 nafar operator xizmat ko'rsatadi. Murojaatlarga shu undayoq javob qaytariladi. O'rganish yoki ma'lumotlarni tahlil qilish, boshqa OTM-larga so'rov yuborish orqali javob topiladigan murojaatlarga uch ish kunigacha bo'lgan muddatda yechim topish belgilangan.

Ma'lumotlar bazasi sektorida talabalar umumiy statistikasi, o'quv jarayoni, talabalarni qat'iy hisobdagi hujjatlarini saqlash, bitiruvchilarni QR kodli, maxsus himoyalangan diplom blankalari bilan ta'minlash, davomat, yakuniy va oraliq nazorat jadvallari kabi umumiy ma'lumotlar jamlanadi. Bu ma'lumotlar institutdagi ish jarayonini bir joyda jamlash va har bir ko'rsatkich bo'yicha aniq statistik hisob-kitob yuritish, pirovardida ish jarayonini sifatli tashkil etish, kelajak rejalarni to'g'ri yo'naltirish imkonini beradi.

Vazirlik yoki turli idoralar so'rovi-ga ham ushbu bazada ishlangan ma'lumotlar orqali javob beriladi. Registrator ofisga bir kunda 200 dan ziyod murojaat kelib tushadi.

Registrator ofisi talabalarga yuqori sifatli xizmat ko'rsatishning samarali va eng ilg'or usullarini amaliyotga tatbiq etmoqda. Ofis o'quv jarayonini optimallashtirish, sifatli ta'limni va shaffoflikni ta'minlash, talabalarga qulaylik yaratish, o'quv jarayonini boshqarish samaradorligini oshirish, xalqaro standartlarga moslashishga yordam bermoqda.

**Abdug'afvor ABDURAHMONOV,**  
**O'zbekiston-Finlandiya**  
**pedagogika instituti Registrator**  
**ofisi boshlig'i.**

## Хазон бўлган умр

Башир тонг ёришганда поезддан тушар экан, юраги галати ҳиссиётдан ҳаққириб кетди. Бу нимаси? Илгари ҳеч қачон бундай ҳолга тушмаганди: соғинч деса, соғинч эмас, оғриқ деса, оғриқ эмас. Кекса ота-онасини зор қақшатиб, ичкиликка муккасидан кетганида ҳам хотини Шарифани норасида гўдаги билан ташлаб, кўнглининг қоронғи кўчаларига кириб кетганида ҳам бундай ҳисни бошидан кечирмаган эди. Атроф жуда гўзал, қушдай эркин қанот қоқиш ғоят завқли эди.

Эси... Нега буни қамокдан олдин ўйламади? Ҳаёт ғаниматлигини сезмади? Навқирон умрини хазон қилди, ичиш, чекиш, кимор ўйнаш, ўғирлик, панжара ортида озодликка зор бўлиб яшаш, соғлигини йўқотиш... Бу кечинмалар, афсус-надомат энди хаста юрагини дард бўлиб аёвсиз кемирарди. У сафар халтасини елкасига осиб, вокзалдан чиқди. Тезроқ уйга етиб олса, дийдорига зор ота-онасининг пойига тиз чўкиб, кечирим сўраса, қўлларини юзига суртса.

Башир кишлоққа етиб келганда қуёш терак бўйи кўтарилди, оламга нур соча бошлаганди. Киндик қони тўқилган, беғубор болалиги ўтган уй остонасига келганда, бир зум турган жойида қотиб қолди. Пахса девор нураб, бир пайтлар



отаси омонатгина ўрнатиб қўйган дарча қулф-лолик эди. Кўчага қараган дераза ойналари синган, тахта, фанер миҳлаб қўйилганди. "Э, бу нимаси, отам, онам, Шарифа қани?". Баширнинг кўз олди қоронғилашиб, довдираб қолди. Наҳотки...?

Хаёлини кўшниси Пўлат аканинг ғийқиллаб очилган темир дарвозаси, кейин тисарилиб чиққан машина бўлди. Пўлат ака қўшниси Эргаш буванинг ташландиқ қулбаси ёнида елкасига сафар халта осган кишини кўриб, машинадан тушди.

- Кимсиз, ким керак?  
- Ассалому алайкум, Пўлат ака!  
- Ваалайкум ассалом. Эй, Башир, сенмисан?  
- Отамлар қаерда, ака, нега уйимиз хувиллаб ётибди?

- Нима, хабаринг йўқми, ука? Онанг раҳматли икки йил аввал, отанг бултур оламдан ўтди. Сени деб адоий тамом бўлишди. Хотининг Шарифа сендан умидини узиб, бошқа одамга турмушга чиқиб кетди. Ўғлинг қайнотангникида, катта йигитча бўлиб қолган. Эҳ, ука, қамокдалигингда улар қандай қийинчиликларни бошидан кечирмади, дейсан. Отанг, онанг ориятли одамлар эди. Ёлғиз фарзанди, сенинг иснодингни кўтара олишмади. Дарвоқе, ёдимдан чиқибди, отангнинг омонати бор эди. Мен ҳозир... - Пўлат ака уйига кириб кетди. Бироздан кейин қўлида тугунча кўтариб чиқди.

- Сенга бериб қўйишимни васият қилганди, - у тугунчани қарақт бўлиб турган Баширга узатди.

Тугунчада эшикка осиглиқ қулфнинг қалити, уйнинг хужжатлари, Эргаш буванинг Баширга васияти бор эди. Эси оғиб турган Баширни Пўлат аканинг овози бўлди.

- Қани, ука, эшикни оч, марҳумларнинг руҳига тиловат қилайлик!

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

## Bolalikdagi orzu ilmga yetakladi

**Bolaligim Payariq tumanining qishloqlaridan birida o'tgan. Darsdan bo'sh vaqtimizda tengdoshlarim bilan ko'cha changitib koptok tepardik. Ko'pincha dadam meni yoniga chaqirib, tomorqamizda, paxta dalasida yoki uzumzorda ekinlar parvarishi bilan tanishtirishga harakat qilardi. G'o'za va tok parvarishining o'ziga xos qiyinchiliklari bor edi. Bu qishloq xo'jalik mahsulotlaridan keladigan daromad o'zini oqlaydimi, degan savol meni qiynardi. Aslida koptok tepishdan ko'ra qishloq ishlarida dadamga yordam berishni istardim. Ammo har ikkisidan ham ko'proq matematika faniga qiziqardim. Katta bo'lsam, qishloq xo'jaligi yo'nalishida iqtisodchi bo'lib, dadamga o'xshagan dehqonlar yumushining natijasini, hisob-kitobini qilishni orzu qilardim. Ya'ni, kam mehnat qilib, ko'proq daromad topish uchun yangilik yaratishni istardim. Lekin buning uchun nimalar qilishim kerakligini bilmasdim.**

Maktabni tugatganimdan keyin bu qiziqishlar meni Toshkent davlat agrar universitetiga yetakladi. Iqtisod yo'nalishiga intilishim kuchliroq bo'lgani sababli universitetning buxgalteriya hisobi va audit yo'nalishiga hujjat topshirdim va o'qishga kirdim. Bolaligimdagi qiziqishlarim bo'yicha qishloq xo'jaligi, ham iqtisod yo'nalishida ta'lim beradigan universitetda o'qiganimdan xursand edim. O'qish davomida istaklar maqsadga aylandi. Ta'lim olishni magistratura bosqichida davom ettirib, shu ta'lim muassasasida ish faoliyatimni ham boshladim. Ustozlarim ko'magi bilim ilmiy ish qilib, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori bo'lishga erishdim.

O'qishni tugatib, qishloqqa qaytmadim, ammo qishloq uchun kerakli bo'lgan mutaxassislar tayyorlashga hissa qo'shayotganimdan xursandman. Universitetimizda samarqandlik talabalar 665 nafarni tashkil etadi. Qolaversa, aynan men tug'ilib o'sgan Payariqqa yaqin hududda, ya'ni Oqdaryo tumanining Dahbed shaharchasida qishloq xo'jaligi sohasi uchun mutaxassislar tayyorlaydigan Samarqand agroinnovatsiyalar va tadqiqotlar instituti tashkil etildi. Universitetimiz ushbu oliy ta'lim muassasasi bilan hamkorlikni yo'lga qo'ygan. O'zim kabi samarqandlik yoshlar, har ikkala oliy o'quv yurti talabalari va yosh izlanuvchilar tajribali ustozlar ko'magida yangi loyihalar ustida ishlab, ilmiy tadqiqotlar olib borayapti.

Universitetimiz hozirgi kunda xorijiy oliy ta'lim muassasalari bilan 50 ga yaqin shartnoma va memorandum imzolagan. Talabalarimiz Amerika, Germaniya, Rossiya, Polsha, Xitoy kabi davlatlarda



ishlab chiqarish amaliyotlarini o'tab kelishadi. Professor-o'qituvchilar dunyoning turli davlatlariga xalqaro loyihalar doirasida o'quv kurslari va seminarlarda ishtirok etmoqda.

Yaqinda Toshkent davlat agrar universiteti va Samarqand viloyati hokimligi o'rtasida ilmiy, o'quv, texnik va amaliy hamkorlik qilish bo'yicha memorandum imzolandi. Bunda asosan, viloyatning agrar sohasini rivojlantirish yuzasidan ilmiy-amaliy tadbirlar tashkil etiladi. Doktorantlar va magistrlik ilmiy-tadqiqot mavzularini ishlab chiqarish amaliyoti bilan integratsiya qilish va boshqa masalalarda hamkorlik qilinadi.

Bu kabi xayrli ishlar meni samarqandlik yosh izlanuvchi sifatida g'ururlantiradi. Qolaversa, bolaligimdagi orzularim amalga oshayotganidan, islohotlar samarasida dehqonlarimizning mehnati qadr topayotganidan, xarajati kamayib, daromadi ortayotganidan xursandman.

**Sahobiddin QODIROV,**  
**dotsent.**



## Hunarmandchilik ortidan til o'rgandim

Bolaligimdan tikuvchilikka qiziqqanman. Bu sohaga bu- vijonim yetaklagan. Buvim mohir quroqchi, qo'g'irchoqlar tayyorlash ustasi. Qaysidir ko'rgazma yoki festivallarga borsa, albatta, meni o'zi bilan birga olib ketadi. Biz yosh bo'lsak ham sal ko'proq harakat qilsak, charchab qolamiz. Buvim esa 66 yoshda bo'lishiga qaramasdan, bizdan ko'p ishlaydi, charchamaydi. Tumanimizda ayollar o'rtasida o'tkaziladigan tadbirlarda doim faol. Shuningdek, fitnes-klub yuritadi. Qachon bo'sh vaqti bo'lsa, u kishini tikuv mashinasining yonida ko'ramiz va doim bizni qo'llab-quvvatlab, hunar o'rgatishni xohlaydi.

Ilk bor buvim bilan xalqaro hunarmandchilik festivaliga borganimiz kechagidek esimda. O'sha paytda endigina ingliz tilini o'rganayotgan edim. Bu tadbirda xorijliklar qatnashayotgan ekan. Ular bilan o'zlarining tilida salomlashish va tanishish menga zavq bag'ishlagan. Ishtirokchilar tomonidan tayyorlangan noyob mahsulotlarni alohida e'tibor bilan kuzatganman. Ularning yaratilishi, dizayni bilan qiziqqanman. Vaqt o'tib, o'zim ham qo'g'irchoqlar yasay boshladim. Hozirda hunarmandlar uyushmasining azosiman.

2023-yilda Qo'qonda o'tkazilgan xalqaro festivalda qatnashdim. U yerda ham til bilish imkoniyatimdan foydalanib, xorijliklar bilan suhbatlashdim. Ular bilan tajriba almashdik. Ko'rgazma uchun olib borgan qo'g'irchoqlarim qanday tayyorlangani haqida mehmonlarga ingliz tilida gapirib berdim. O'nga yaqin davlatdan kelgan xorijliklar bunga qiziqish bildirdi.

Buvim va yonimizda turgan o'zbek hunarmandlari xorijliklar bilan muloqot qilishda tilmo'chga ehtiyoj sezmadim. Ular-ga o'zim tarjimonlik qildim. Shu tadbirdan so'ng AQShning 3 ta nufuzli universitetiga zamonaviy dizaynerlik yo'nalishida o'qish maqsadida hujjat topshirdim va muddatidan oldin talaba bo'lish imkoniyatini qo'lga kiritdim.

Ayni paytda ingliz tili va ona tili fanlaridan milliy sertifikatga egaman. Kelajakda qaysi sohada faoliyat yuritman, hech qachon hunarmandchilikni tashlab qo'ymayman. Chunki buvimning ishini davom ettirishni maqsad qilganman.

**Jasmina MUHUMMADIYOROVA,**  
**Ishtixon tumani.**

### IYUL OYIDA TAVALLUD TOPGANLAR

#### 1 IYUL

**Аваз ЭРГАШЕВ** – (1947-2018) Жомбой туманида туғилган. Ўзбекистон Қаҳрамони.

#### 3 IYUL

**Нусрат РАҲМАТ** – 1941 йилда Самарқанд туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

#### 5 IYUL

**Дилором САЛОҲИЙ** – 1959 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Филология фанлари доктори, профессор.

#### 7 IYUL

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ** – (1934-2006) Қашқадарё вилояти Касби туманида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири.

**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**

**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 14 560 nusxada chop etildi. Buyurtma 309. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

**QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56**

**BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61**

**MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.**

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ

bosmaxonasida chop etildi.

**Korxonalar manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti:

soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi:

soat 19:00

**Navbatchi muharrir:**

**A.SHERXOLOV.**

**Navbatchi:**

**D.TO'XTAYEV.**

**Sahifalovchi:**

**B.ABDULLAYEV.**



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 1772010667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda

